



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (55) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (55)

2023

май

Received: 20.04.2023, Accepted: 30.04.2023, Published: 15.05.2023.

УДК 616.5-003.92-072:340.6

ЮЗДАГИ ЧАНДИҚЛАРНИ ЕТКАЗИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

¹Мухаммадиев Фазлиддин Нурсламович, ²Рузиев Шерзод Ибадуллаевич

¹Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри,
И.Каримов кўчаси 64-уй Тел: +998 (76) 223-47-20 E-mail: info@ttatf.uz

²Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон 100140, Тошкент, Боғишамол кўчаси 223,
тел: 8 71 260 36 58 E.mail: interdep@tashpmi.uz

✓ Резюме

Тери чандиқлари экспертизаси субъективликнинг юқори даражаси билан фарқланувчи суд-тиббиёт текширувининг кўп тарқалган турларидан бўлиб қолмоқда. Тери чандиқлари жуда турғун ҳосилалар бўлгани туфайли, айнан улар жабр қўрганларнинг экспертизага кеч йўлланма олган ҳолатларида суд-тиббиёт текширувининг объекти бўладилар.

Калит сўзлар: чандиқ, ҳосил бўлиш механизми, ультратовуви текшируви, рақамли фотосуратлар.

УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ОЦЕНКИ ДАВНОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ(ОБРАЗОВАНИЯ) РУБЦОВ ОБЛАСТИ ЛИЦА

¹Мухаммадиев Фазлиддин Нурсламович, ²Рузиев Шерзод Ибадуллаевич

¹Термезский филиал Ташкентской медицинской академии Сурхандарьинская область город
Термез, улица И. Каримова №64 Тел: +998 (76) 223-47-20 E-mail: info@ttatf.uz

²Ташкентский педиатрический медицинский институт, 100140, Узбекистан Ташкент, ул.
Богишамол, 223, тел: 8 71 260 36 58 E.mail: interdep@tashpmi.uz

✓ Резюме

Экспертиза рубцов кожи была и остается одним из распространенных видов судебно-медицинского исследования, отличающегося высокой степенью субъективности. Поскольку рубцы кожи являются весьма устойчивыми образованиями, именно они чаще всего становятся объектом судебно-медицинского исследования в случаях позднего направления потерпевших на освидетельствование (экспертизу).

Ключевые слова: рубец, механизмы образования, ультразвуковое исследование, цифровые фоторисунки.

IMPROVEMENT OF THE FORENSIC MEDICAL ASSESSMENT OF THE PRESCRIPTION OF OBTAINING (EDUCATION) SCARS OF THE FACIAL AREA

¹Mukhammadiev Fazliddin Nurislamovich, ²Ruziev Sherzod Ibadullaevich

¹Termez branch of the Tashkent Medical Academy Surkhandarya region Termez city, I. Karimov
street No. 64 Tel: +998 (76) 223-47-20 E-mail: info@ttatf.uz

²Tashkent Pediatric Medical Institute, Uzbekistan 100140, Tashkent, 223 Bogishamol St, tel: 8 71 260
36 58 E.mail: interdep@tashpmi.uz

✓ Resume

The examination of skin scars has been and remains one of the most common types of forensic medical research, characterized by a high degree of subjectivity. Since skin scars are very persistent formations, it is they that most often become the object of forensic medical research in cases of late referral of victims for examination (examination).

Key words: scar, formation mechanism, ultrasound examination, digital photo drawing.

Долзарблиги

Суд-тиббӣети амалиётисида юздаги чандиқларни етказилиш муддатини аниқлаш ва уларга суд-тиббӣ баҳо бериш долзарб масала ҳисобланади. Чандиқларни етказилиш муддатларини ўрганиш жуда катта ташхисотий аҳамиятга эга, чунки ушбу масала суд-тиббӣ экспертизаси олдида турган саволларни ҳал қилиш имкониятини беради. Аввало, чандиқларни морфологиясига кўра, шикаст етказиш ҳолатларини ташхислаш ва шунга мувофиқ ҳодиса ҳолатларини такрорлаш мумкин [2].

Яра битиши билан чандиқ ҳосил бўлиши организмнинг табиӣ компенсатор-адаптив реакцияларидан бири бўлиб, механик шикастланишдан кейинги тери дефекти тикланиш жараёнида бириктирувчи тўқима билан алмашганда чала регенерацияга учрайди [1,3]. Бевосита чандиқлар жароҳатланиш пайти билан жабрланувчини текширувга жўнатиш ўртасида узок муддат ўтган ҳолларда, баъзан эса, суд-тиббӣ экспертиза ягона объектга айланади. Айрим олимларнинг маълумотларига кўра тадқиқотларини ўтказишда юзага келадиган техник қийинчиликларни (тиббӣ ҳужжатларни ва бошқа ашёвий далилларни йўқотиш, узок муддатли жароҳатлар) эмас, балки уларнинг юқори ижтимоий ва маънавий аҳамиятини ҳам таъкидлайдилар. Шунга қарамай, чандиқнинг шаклланиши ва ривожланиш динамикаси масалалари замонавий суд-тиббӣ адабиётларда жуда кам ёритилган [5,7,9].

Эксперт хулосаларининг субъективлиги суд-тиббӣетининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Мунтазам диагностика усулларини жароҳат параметрларини аниқлашнинг янги, ишончли усулларини ишлаб чиқиш билан биргаликда, математик, маълумотларни қайта ишлаш, компьютер технологияларидан фойдаланиш билан ифодаланган интеграл ёндашув зарурияти [5].

Тадқиқотнинг мақсади юздаги ҳосил бўлган чандиқларни етказилиш муддатларини суд-тиббӣ ташхислаш усулларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Материал ва усуллар

Республика суд-тиббӣ экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиалида 49 нафар турли даражадаги юзда ҳосил бўлган чандиқлардан шикаст қилган шахслар ва уларнинг экспертиза хулосаларининг таҳлиллари.

Текширишни амалга ошириш мақсадида рақамли фотография (SCAR дастури), ультра товуш текшируви (УТТ) ва статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

Натижа ва таҳлиллар

Ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларининг мураккаблиги шундаки, чандиқланиш жараёнини узок муддат давом этишидадир.

Адабиётлардан маълумки чандиқлар икки катта гуруҳга бўлинади (И. М. Серебренников таснифига кўра) [7]:

1. Турли жароҳатланишлардан сўнг ҳосил бўладиган чандиқлар, буларга ўк отар қуроллардан жароҳатланишлардан, кесилган яралар, чопилган яралар, эзилиб йиртилган яралар, қуйишдан қийинги, электр токидан қийинги ҳосил бўладиган чандиқлар.

2. Турли касалликлардан кейин чандиқлар, терининг йирингли яллиғланиш жараёнлари ва сурункали юқумли касалликлардан кейинги чандиқлар.


Воқеа юз бергандан бошлаб мавжуд маълумотлар, иш тавсилотлари, тиббӣ ҳужжатлари ва бошқа шу каби экспертиза ўтказиш учун муҳим бўлган омилларни умумлаштириш мақсадида, экспертизани ишончилигини янада ошириш учун аналитик таҳлил ўтказилди.

Жароҳатларнинг келиб чиқишига кўра барча ҳолатлар қуйидагича тақсимланди, ўтмас жисмлар натижасида, кесувчи жисмлар, санчувчи жисмлар натижасида, бевосита турли хилдаги предметларга урилиши натижасида қабилар аниқланди (1-жадвал).

Юздаги чандиқлар экспертизаси бўйича олинган жами 156 нафар жабранувчилар экспертиза хулосаларининг таҳлиллари ўтказилганда, уларнинг 31 нафари эркак жинсига, 18 нафари эса аёл жинсига мансуб эканлиги аниқланди. Уларнинг ўртача ёши $30,3 \pm 2,6$ ёшни ташкил этади (1-расм).

Жароҳатларнинг келиб чиқишига кўра

Жароҳат содир бўлиши	Текширилувчилар (n=49)		RR	P
	Абс	%		
Ўтмас жисмлар	21	42,8	0,61	<0,05
Кесувчи жисмлар	13	26,5	1,18	>0,005
Санчувчи жисмлар	9	18,3	1,33	>0,005
Санчиб - кесувчи жисмлар	6	12,2	2,56	<0,005



1-расм. Текширилувчиларнинг жинсга боғлиқ бўлиниши

Юздаги чандиқларни суд-тиббий баҳолашда ва уларни етказилган муддатларини аниқлашда биз махсус замонавий “Canon Power Shot SX530HS” рақамли фотоаппаратдан фойдалаган ҳолда, тиббий ҳужжатларнинг қиёсий суд-тиббий таҳлилларини амалга оширдик.

Олинган тасвирлар автоматик равишда компьютерга киритилди. Барча маълумотлар махсус «Инсон танасининг турли қисмларида юзага келган чандиқларни рақамли тасвирдаги контрастлигига асосан жароҳат етказилиш муддатини аниқлаш учун «SCAR» дастури» ЭҲМ дастурий таъминоти орқали таҳлил қилинди ва суд-тиббий баҳоланди (2021 йил 01 февраль №DGU-10374-сонли). Ушбу дастурий таъминот юздаги чандиқларни етказилиш муддатини аниқлашга доир ўтказиладиган суд-тиббий экспертиза сифатини оширишга ва уни суд тиббиёти амалиётида қўллашга олиб келди.

Текширилувчиларнинг юздаги мавжуд чандиқлари ёнига махсу масташбли линейка ёрдамида уч хил позицияда суратга олинади ва ушбу олинган тасвир электрон тарзида махсус “Photoshop CS3” дастури ёрдамида қайта ишланади ва bmp форматида сақланади. Ушбу сақланган тасвир автоматик тарзда «Инсон танасининг турли қисмларида юзага келган чандиқларни рақамли тасвирдаги контрастлигига асосан жароҳат етказилиш муддатини аниқлаш учун «SCAR» дастури» ЭҲМ дастурий таъминотига ўтказилади, ушбу дастурий таъминот ўз базасида сақланган таҳлиллар намуналари орқали ушбу тасвирни баҳолайди.

Суд-тиббиёти амалиётида юздаги чандиқларни эксперт баҳолашда ва уларни етказилиш муддатларини аниқлашда замонавий “Canon Power Shot SX530HS” рақамли фотоаппаратдан фойдаланиш тирик шахслар экспертизасида уларнинг аниқ ташхисий ахборотлигини баҳолаш имконини беради.



2-расм. Замонавий рақамли фотоаппарат ёрдамида олинган юздаги чандиқлар босмаларининг таҳлили

Бу каби суд-тиббий текширувларни амалга оширишда суриштирув ва тергов органлари экспертиза олдига қуйидаги саволларни қўйишади: юздаги чандиқлар мавжудилиги, уларнинг ҳосил бўлиши механизми, етказилиш муддати ва унинг оғирлик даражаси кабилардир. Ушбу саволларга суд-тиббий ва илмий асосланган жавобларни бериш учун албатта замонавий усулларни талаб этилади.

2.-жадвал

Теридаги ранг ўзгаришларини қийматлари

Соғлом тери	Чандиқ ўрни	Чандиқ 1-3 ой	Чандиқ 3-6 ой	Чандиқ 6-12 ой	Эски чандиқ
119±5	маркази	131±3	127±6	115±9	104±3
127±8	чети	149±7	122±4	119±7	101±2

Текширишларимиздан кўриниб турибдики ранг кўрсаткичлари асосан етказилиш муддати хали узоқ бўлмаган чандиқларда, яъни 1-6 ойгача бўлганларида, соғлом терига нисбатан анча юқори даражада бўлади. Эски чандиқларда эса ранг кўрсаткичлари деярли ўзгаришсиз бўлиши ҳам текширувларимизда ўз исботини топди.

Кўриб турганингиздек экспертиза амлиёти учун юздаги ҳосил бўлган чандиқлар етказилиш муддатларини аниқлашда уларнинг ранг кўрсаткичларининг аниқлилик даражаси махсус датсурий таъминот ёрдамида рақамлаштирилган ҳолда ушбу ранг кўрсаткичлари қийматларининг миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши ўз исботини топган.

Текширишларимиз давомида жароҳат етказилиш муддатларини суд-тиббий баҳолашда энг кўп ранг қийматлари асосан 1-3 ой муддатда етказилган жароҳатларда турли даражада хилма-хилликка эга эканлиги ва ранг кўрсаткичларининг ниҳоятда ёрқин тус олиши ҳам ўз исботини топди.

Ранг кўрсаткичларининг учраш миқдорлари


Ранг кўрсаткичлари	1-3 ой	3-6 ой	6-12 ой	Эски чандиқлар
пушти	53,0	36,0	9,0	2,0
оч пушти	28,9	47,2	19,8	4,1
кўкимтир-қизигиш	7,8	23,5	37,6	11,1
кўкимтир-пушти	11,3	17,8	49,4	9,5
бинафша-кўкимтир	6,2	13,7	57,5	3,0
кўкимтир-жигарранг	7,3	13,6	87,4	5,4
оч-зангори	2,5	4,4	78,2	3,7
тўқ кўк	1,1	3,7	56,5	1,2
Бинафша ранг	0,7	14,3	33,7	0,2
сарғиш-кулранг	0,0	0,0	13,4	0,0

Ушбу ранг кўрсаткичларини рақамли фотосуратлар орқали таҳлил қилиш суд-тиббиёти амалиётида экспертлар учун бу каби ҳолатларни тўғри суд-тиббий баҳолаш ва етказилиш муддатларини аниқ илмий асосланган ҳолда ташхислаш имкон беради.


Кўшимча текшириш усули сифатида УТТ «LOGIQ-P9» аппарати ёрдамида юздаги чандиқларнинг ички структуравий тузилишларини морфологик хусусиятлари, жароҳатланишдан кейинги тўқималарнинг ички тузилмаларининг ўзига хос якуний миқдорий кўрсаткичларини суд тиббий баҳолаш мақсадида фойдаландик.

Юздаги чандиқларни УТТ ларида кенг тарқанган 7,2 МГц ва 10 МГц сенсорлар билан текшириш амалга оширилди. Бунда асосан мавжуд ва инвазив бўлмаган, усуллардан фойдаланган ҳолда юздаги ҳосил бўлган чандиқларнинг ҳолати, уларнинг ҳажми, шакли ва етказилиш муддатини аниқлашнинг кўшимча усуллари ишлаб чиқилди.

Шу тариқа текшириб чиқилган барча чандиқларда ўртача узунлиги 5-7 см узунликда, кенглиги эса ўртача 1,2-2,2 см эканлиги ўз исботини топди. Барча текширишлар икки хил частотада, яъни 7,2 МГц ва 10 МГц частотада амалга оширилди.



2-А-расм 7,2 МГц



2-Б-расм 10 МГц

Энг аввало юздаги мавжуд чандиқ ва унинг кенглиги, ундан сўнг эса чандиқ ости ва унинг атрофидаги мавжуд тўқималар ултратовуш текширувидан ўтказилди. Чандиқ атрофидаги соғлом тўқима эса уч қаватли "пирог" шаклида визуализация қилинди, терининг устки қавати тери ва гелийли муҳит, ўрта қавати структур жиҳатдан деярли бир хил, яъни гипохоген, пастки қавати эса гиперхоген зона, яъни тери ва тери ости ёғ қаватидан.

Тадқиқотларимиз давомида юздаги ҳосил бўлган чандиқлар қанчалик даражада етуқлашса ултратовуш текширувларда эхографик кўрсаткичларнинг динамик ўзгаришлари чандиқларни ҳосил қилувчи бириктирувчи тўқималарнинг структур таркибининг жароҳатдан кейинги қайта

тузилиши билан изоҳланади. Етуклашмаган чандикларда бириктирувчи тўқималар хужайравий элементларга ва суюқликка бой бўлиб, ушбу бириктирувчи тўқималар нисбаттан қайишқоқ, эластик, таркибидаги мавжуд коллаген толалар ниҳоятда ингичкалашган. Нисбаттан етук чандикларда эса, бириктирувчи тўқималарда коллаген толалар зич жойлашган, хужайравий элементлари ва таркибида суюқлик кам эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этди.

Хулосалар

Текширишларимиз шуни кўрсатдики бизнинг дастурий таъминотимиз бўйича чандиклар вақт ўтган сари ўзаро корелляция бoғлиқликда 1 нисбатга томон интилади, кунлар эса чандикка нисбаттан 0 га тенглаша боради. Етуклашмаган чандикларда бириктирувчи тўқималар хужайравий элементларга ва суюқликка бой бўлиб, ушбу бириктирувчи тўқималар нисбаттан қайишқоқ, эластик, таркибидаги мавжуд коллаген толалар ниҳоятда ингичкалашган. Нисбаттан етук чандикларда эса, бириктирувчи тўқималарда коллаген толалар зич жойлашган, хужайравий элементлари ва таркибида суюқлик кам эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этди.

Текширишларимиз давомида жараҳот етказилиш муддатларини суд-тиббий баҳолашда энг кўп ранг қийматлари асосан 1-3 ой муддатда етказилган жароҳатларда турли даражада хилма-хилликка эга эканлиги ва ранг кўрсаткичларининг ниҳоятда ёрқин тус олиши ҳам ўз исботини топди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абрамов С.С. Методика формализации растровых цветных изображений повреждений при исследовательской съемке / С.С. Абрамов, СВ. Ерофеев, Ю.Ю. Шишкин Актуальные вопросы судебной и клинической медицины. - Ханты-Мансийск, 2002;6:112-113.
2. Антонов В.Ф. Физика и биофизика. Ультразвук и его применение в медицине / В.Ф. Антонов, А.В. Коржув. - М.: Гэотар-мед, 2004;33-37.
3. Бабаханян А.Р. Судебно-медицинская практика несмертельных повреждений, причиненных резиновыми пулями / А.Р. Бабаханян Актуальные вопросы судебно-медицинской экспертизы потерпевших, подозреваемых, обвиняемых и других лиц. Сб. тезисов док. Всерос. науч.-практич. конференции, 15-16 марта 2007 г. - М - Рязань: РИО ГОУ ВПО «РГМУ им. академика И.П. Павлова Росздрава»; РИО ФГУ «РЦСМЭ Росздрава», 2007;29-30.
4. Белоусов А.Е. Пластическая хирургия рубцов: возможности и проблемы / А.Е. Белоусов Эстетическая медицина. 2005;4(2):145-152.
5. Василевская Е.А. Использование высокочастотной ультразвуковой аппаратуры для исследования кожи в норме и при патологии / Е.А. Василевская, Е.В. Иванова, Т.С. Кузьмина и др. Эксперим. и клинич. дерматокосметология. 2005;1:33-37.
6. Газизянова Р.М. О возможности ультразвуковой диагностики посттравматических кровоизлияний в экспертной практике / Р.М. Газизянова, Г.М. Харин, И.В. Ключкин Перспективы развития и совершенствования судебно-медицинской науки и практики. Мат. 6-го Всерос. съезда судебных медиков, посвящ. 30-летию Всерос. общества судебных медиков. М. -Тюмень, 2005 г. - М . -Тюмень. : Издательский центр «Академия», 2005;64-65.
7. Серебренников И.М. Судебно-медицинская экспертиза келоидных и гипертрофических рубцов (диагностика и оценка) / И. М. Серебренников Суд.-мед. эксперт. 1981;1:38-40.
8. Aspres N. Imaging the skin. / N. Aspres, LB. Egerton, A.C. Lim, S.P. Shumack Australas. J. Dermatol. 2003;44(1):19-27.
9. Batisse D. Influence of age on the wrinkling capacities of skin / D. Batisse, R. Bazin, T. Baldeweck, B. Querleux, J.L. Leveque Skin Res Technol. 2002;3(8):148-154.
10. Gold M.H. Prevention of hypertrophic scars and keloids by the prophylactic use of topical silicone gel sheets following a surgical procedure in an office setting / M.H. Gold, T.D. Foster, M.A. Adair Dermatol. Surg. 2001;27(7):641-644.

Қабул қилинган сана 20.04.2023